



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «14» июль

VI-31-43-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон ҳамда шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 19 февралдаги Қ-98-сон қарорлари ижроси юзасидан Узун тумани ҳокимининг Боботоғ ҳудудини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.Наркабиловнинг ҳисоботи тўғрисида

Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш, янги боғ ва узумзорларни ташкил этиш, пиллачилик ва чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ва ветеринария хизматини янада ривожлантириш, шунингдек, электр энергияси таъминотини яхшилаш, тиббий ва алоқа хизматлари сифатини ошириш тўғрисида Узун тумани ҳокимининг Боботоғ ҳудудини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.Наркабиловнинг ҳисоботи инобатга олиниб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон ҳамда шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 19 февралдаги Қ-98-сон қарорлари ижроси юзасидан Узун тумани ҳокимининг Боботоғ ҳудудини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.Наркабиловнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон қарорига кўра:

2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури;

2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида қайта фойдаланишга киритиладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг прогноз кўрсаткичлари;

2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш ва ерларнинг сув таъминотини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури;

2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати;

2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида мевали боғ, узумзор ва тутзорлар майдонларини кенгайтириш, чорва моллари бош сонини кўпайтиришнинг прогноз кўрсаткичлари;

2021-2022 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида ижтимоий, энергетика ва телекоммуникация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича манзилли дастур тасдиқланганлиги;

Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2024 йил 1 январга қадар:

янги ташкил қилинадиган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, кластер ташкилотлари ер солиғи, мол-мулк солиғи, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғининг;

жисмоний шахслар ер солиғи ва мол-мулк солиғининг 50 фоизини тўлашдан озод қилинганлиги;

Сурхондарё вилояти Узун тумани ҳокимининг Боботоғ ҳудудини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилганлиги инобатга олинсин.

3. Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) алоқадор ташкилотлар билан биргаликда:

Дастурга киритилган марказлаштирилган манбалар ҳисобига жорий йилда молиялаштириладиган лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини 2021 йил учун мўлжалланган параметрлари доирасида кўзда тутсин;

келгуси йиллар учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб, янгилаб борган ҳолда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш жараёнида инобатга олсин.

4. Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов):

Боботоғ ҳудудининг шаҳарсозлик ҳужжатлари мавжуд бўлмаган участкаларида мазкур ҳудудни ривожлантиришни режалаштириш ва қуриш бўйича янги қуриладиган объектларни жойлаштиришни таъминласин;

буюртмачи ва лойиҳачи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказсин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифати бўйича назорат ўрнатсин.

5. Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) бир ой муддатда салоҳиятли тадбиркорларга Боботоғ ҳудудида қайта фойдаланишга киритиладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини бириктириб берсин ҳамда сабзавот-полизчилик, мевали боғ ва узумчилик, чорвачилик йўналишидаги кластерлар фаолиятини йўлга қўйсин.

6. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (К.Абдивоҳидов) Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) билан биргаликда Узун туман тиббиёт бирлашмасининг мавжуд штат бирликлари доирасида Боботоғ ҳудудий бўлимида туну-кун хизмат кўрсатувчи навбатчи ҳамширалик гуруҳини ташкил этиш чораларини кўрсин.

7. Узун тумани ҳокимининг ўринбосари (А.Ишмурзаев) Узун тумани Боботоғ ҳудудида норуда фойдали қазилмалар истиқболли майдонлари рўйхатини шакллантирсин ва геологик жиҳатдан ўрганиш учун белгиланган тартибда ташаббускорларга таклиф этсин.

8. Узун тумани ҳокимининг ўринбосарлари (Н.Мажидов, Д.Сафарова), Кадастр агентлиги Узун тумани бўлими (Н.Қорақулов) бир ой муддатда Денов туманидаги “Нурли келажак”, “Жийдабулоқ”, “Боботоғ”, “Паҳлавон” ва “Дўғоб” маҳаллаларини Узун туманига ўтказиш ҳамда Узун ва Денов туманлари чегарасини ўзгартириш масалалари юзасидан илтимосномаларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш чораларини кўрсин.

9. Узун туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ш.Ядгаров, А.Ишмурзаев, З.Абданов, Н.Мажидов, Д.Сафарова, Ш.Мақсудов):

тумандаги алоқадор ташкилотлар ва лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини, инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини, ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича тадбирлар ижросини ҳамда янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

ҳар чорак якуни бўйича қарорда назарда тутилган прогноз кўрсаткичлар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан лойиҳа ташаббускорлари фаолиятининг натижадорлигини халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида муҳокама қилсин ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

10. Узун тумани ҳокими Б.Турсуновга 2020-2021 ўқув йилида Боботоғ ҳудудидан мақсадли равишда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган талабларнинг шартнома пулини тулаб бериш чораларини кўрсин ва натижаси тўғрисида 1 (бир) ой муддатда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашига ёзма ахборот киритсин.

11. Узун тумани ҳокими Б.Турсунов Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон қарори ва ушбу сессия қарорининг ижроси юзасидан ҳар ой якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин ва ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан муҳокама қилиб бориш белгилансин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Жураева) зиммасига юклансин.

13. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.